



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ юрт жамолини кўркам, халқ ҳаётини фаровон қилаётир

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли ислохотлар қулоч ёйган. Шунга монанд одамларнинг кайфияти, юриш-туриши, гап-сўзи ўзгарган. Ахир инсоннинг табиати шундай: “кўнгли гўзал атрофни гулистон айлар, гўзал манзил ҳар кўнглини бўстон айлар”.



Собиробод маҳалласи пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги кўп сонли аҳолига эга манзилларидан бири. Худудда қарийб 10 минг фуқаро яшайди. Қисқа фурсатда маҳалла катта ўзгаришга юз тутди. Ободлик — хиёбонлар, кўп қаватли уйлар олдида ҳосилга кирган ям-яшил боғу боғчалар, равон ва текис йўллар, стадион, спорт майдончалари, болалар уйингоҳи, пиедалар ва велосипед йўлакларини, замонавий воркаут — буларнинг бари аҳолининг розилиғи учун.

▶ Давоми 2-бетда



Бугунги кунда аҳолини бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнига жалб этиш орқали фуқаролик жамияти ҳаётида улар иштирокини фаоллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса жамоатчилик назоратини жорий этиш асносида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда қўл келяпти.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда

Биз Оролбўйининг шаҳар ва туманларида, энг чекка қишлоқ ва овулларида бу борадаги ташаббуслар билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Ҳақиқатан, аҳоли ўз ҳудуддаги муаммоларни кўтариб чиқиб, уни ҳал этишда фаоллик кўрсатаётганининг гувоҳи бўлдик.

2022 йилнинг илк фаслида Қораўзақ тумани учун Фуқаролар ташаббуси жамғармасига унинг 2021 йилда

тежалган маблағлари ҳисобидан 823,4 миллион сўм, 2022 йилги туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган умумий харажатлари 2,5 фоизи ҳисобидан 1 миллиард 819,7 миллион сўм ва йил бошига шаклланган эркин қолдиқ ҳисобидан 219,8 миллион сўм, жами 2 миллиард 862,9 миллион сўм йўналтирилган.

▶ Давоми 4-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ



Кўнглида аҳтиёжи

Бирор-бир асар қаҳрамони билан “дўстлашганмисиз?” Бирон роман ёки қисса қаҳрамонини “севиб” қолганмисиз? Қайси асар қаҳрамонларининг гапларини эшитгансиз? Умуман, шундай ҳолатлар сизда бўлганми? Шулар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

...Китоб нима учун ва қандай ўқилади? Кимдир шунчаки вақт ўтказиш учун ўқийди, яна биров нимадир ўрганиш ниятида, бошқаси эса илм қилиш мақсадида ўқийди. Устоз Асқад Мухтор китоб ўқиш мен учун меҳнат, деган. Шу фикрнинг мағзини чақадиган бўлсак, китобнинг буюклиги, ҳа, айнан буюклиги, қадрини ниятда баландлиги аён бўлади ва ўз-ўзидан унга ҳурматимиз ошади. У шунчаки қоғоз эмас, балки турли ёшдаги, турфа характерли, турли замон ва жамиятда яшаган, ҳар хил касбдаги ўнлаб, юзлаб инсонлар жамланган маскан эканини англаймиз. Ҳа, шундай. Бу “маскан”да бугунги кун одамларини ҳам, ўтган аср, ундан олдинги, ҳатто бир неча юз йиллар илгари яшаган инсонларни учратамиз. Уларнинг турмуш тарзи, феъл-атвори

билан танишамиз. Бу мўъжизами? Албатта, мўъжиза! Аллоҳ таоло инсонга ато этган улуг, бебаҳо неъмат — тафаккур маҳсули булар. Китобнинг фазилятлари, қудрати хусусида теранроқ ўйлаганимиз сари унинг янги-янги қирралари намоён бўлаверади. Унга ошно бўлиб, уни яхши кўриб қолганимизни ўзимиз ҳам билмай қоламиз. Бунинг натижасида ўша оддий варақлар қатига одамларни кўрамиз, уларнинг ўзаро суҳбатларини эшитамиз, қадди-қомати, кийиниши кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу аснода ўша одамлардан қайси бирига ҳавас қиламиз, қайси биридан нафратланамиз, қай бири билан дўстлашиб, бировини севиб қоламиз.

▶ Давоми 6-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати энг муҳим устувор вазифа, уларнинг ўзига мамлакатимиз нуфузи, халқимиз турмуши фаровонлигининг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралмоқда. Шу боис, уларга кенг имкониятлар эшиги очилиб, ғайратшижоатини тўғри йўналтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Гап шу ҳақда кетганида, аввало, ёшларга доир чора-тадбирларда бир зум бўлса-да сусткашликка, бепарволикка йўл қўйиб бўлмаслигига эътибор қаратиш керак бўлади. Бу борада Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари, ҳукумат ҳужжатларида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш гоят муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Президентимизнинг “Ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам,



мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва ўз қобилиятини намоён этиши учун барча шароитларни яратиш жиддий ҳаракатга айланмоғи шарт.

Кўзланган улкан марраларга мутасаддиларнинг аниқ режа асосида темир интизом билан ишлаши орқали эришиш мумкин. Зеро, ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, деган таъкиднинг ўзиёқ ёшлар сиёсати

соҳасида шахсий масъулият ва жавобгарлик барча бошқарув идоралари ходимлари учун бош мезон эканини кўрсатмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ

“ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ” ИМКОНИЯТЛАРИ

Миллий таълим тизимининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунги жадал ислохотларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бунга ёрқин мисолдир.

Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони соҳа ривожига муҳим қадам бўлди.

“Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда, очик, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликдан холи таълим муҳитини яратиш каби устувор вазифалар ижроси Тошкент давлат юридик университети фаолиятида ҳам

ўз аксини топмоқда. Ҳозирги кунда университет профессор-ўқитувчилари масофадан туриб онлайн ва офлайн тарзда видеодарс, аудиодарс, электрон китоб ва ўқув материаллари асосида таълим бермоқда.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб жорий этилган кредит-модуль тизими (ECTS Европа кредит тизими)нинг нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар фаолияти, ўз вазифасига кўрсатаётган ижобий таъсирини ҳис қилмаслик мумкин эмас.

▶ Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИ

Юрт жамолини кўркам, халқ ҳаётини фаровон қилаётир

Бошланғич 1-бетда

“Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак”

Яхши яшаш, қўлай шароит яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ташаббус ва маблағ зарур. Давлатимиз томонидан ажратилган маблағни маҳалла даражасида тақсимлашга эришилгани, мутасадди раҳбарларнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлашга ўтгани бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз аксини кўрсатяпти. Қувонарлиси, бир пайтлар ташландиқ аҳволда ётган ҳудудларда буй курсатган бунёдкорликлар, бунга ҳам-оҳанг оидмалаётган одамлар — тадбиркорлигини бошлаган, фарзандини фан ёки техника, спорт ёки санъат қўрсоларига етаклаётган, талаба бўлган, кашфиёт қилаётган, давлат кўмагидан қувониб, бир ишнинг бошини тутган, қўйингни, ўз умрини мазмунли ўтказишга бел боғлаган юртдошларимиз ҳаётига ислохотларнинг кириб келгани шу, аслида.

— Муболагага йўманг, илгари маҳалламизга келган одам бугун яна келса, аниқ адашмадимми, деб иккиланиб қол-япти, — дея фахрланиб ҳикоя қилади “Собиробод” МФЙ раиси Ниғматулла Абдурахимов. — Бу ер кўрмисиз, қаровисиз жойлар эди. Неча йиллардан буён асфальт кўрмаган йўлларимиз бўлган. Бугун, қаранг, тўрт тараф обод. Пиледалар ва велосипед йўлакларини, хиебон одамлар билан гавжум. Кўчаларда ҳавасга автомобиль ҳайдаганингиз келади. Айниқса, Юқори Қорақамиш каналининг ёқасидаги бунёдкорлик кўрган кўзни қувватлади. Сўлим хиебон бунёд бўлди, фаввора қурилди. Дарахлар экилиб, чим ётқизилди. Канал атрофидида 300 метрдан зиёд масофада ишком қилиниб, узум экилди. Бундан ташқари, ўтган йили ҳудудимиз бўйлаб экилган 1000 тулға яқин олма дарахти бу йил ҳосилга кирди. Сархил мевалардан еб, болалар хурсанд бўляпти.

Илгари 10-15 болада велосипед бўларди. Ҳозир ҳар бир болада велосипед бор. Тез-тез мусобақа ўтказишда. Фолиблар рағбатлантирилади. Ҳозирги ёшларда спортга иштиёқ катта. Бу иштиёқни мотивация бериб уйғотиш керак экан-да. Шахмат, бокс, кураш, таэквондо билан шуғулланидиган ёшлар сафи кенгайди. Айниқса, боксчи бўламан, деган болалар кўп. Сабаби, маҳалламиз ҳудудда Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби қуриляпти.

Бўлаётган ўзгаришларнинг барчаси халқ учунлигини одамлар ҳам тушунапти. Улар сайр қилсин, хордиқ чиқарсин, ёшларимиз билан бирга нурунийларимиз ҳам пиёда юриб, соғлигини

мустаҳкамласин, деямиз. Қўтлуг байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги олдида маҳалламизга давлатимиз раҳбарининг ташрифи аҳоли кўнглини янада кўтарди, руҳлантирди. Учрашувдан сўнг янги-янги гоёлар, ташаббуслар тугиляпти. Президентимиз “Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак”, дея таъкидлади. Бу гапнинг маъзида катта мазмун бор. Биз ҳудуддаги 37 та кўп қаватли уйнинг ҳеч бирида салбий кайфият бўлмастлигига эришишимиз лозим.

“Ёшлар етакчиси кўмаги билан ўқишни давом эттирадиган бўлдим”

Президентимиз ўтган йили кузда Шайхонтоҳур туманига ташрифи давомида маҳаллалардаги туман ҳокими ёрдამчиси ҳамда ёшлар етакчиси лавозими ҳақида гапирар экан, “Дунёда бундай тажриба ҳам, китоб ҳам йўқ. Бунинг учун аввало фидойи бўлиш, халқни севиш керак. Бу икки лавозимда ишлайдиганлар маҳаллада ислохотлар пойдевори бўлади. Улар тадбиркорликни ривожлантириш, иш-сизликни камайтириш, ёшларни қўлаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади. Бу жуда катта масъулият ва шараф”, дея таъкидлаган эди. Бугун маҳаллаларда мазкур лавозимда фаолият олиб бораётган давлат хизматчилари зиммаларидаги масъулиятни оқлашга ҳаракат қилаётир.

Маҳалладаги маънавий муҳитнинг, етарли эътибор ва назоратнинг ёшлар ҳаётига таъсири катта. Бу борада Собиробод маҳалласида самарали ишлар қилинмоқда. Маҳалладаги ёшлар етакчиси Асрорбек Отақулов ташаббус билан ёшлар орасидан етакчиларни саралаш олишдан бошлади. Чунки маҳаллада 1500 дан ортиқ йигит-қиз бор. Уларнинг барчаси билан мулоқот қилиш, муаммоларига ечим топиш қийин масала. — Ёшлар орасидан 100 та лидерни танлаб олган, ишларни бошлаб юбордик, — дейди Асрорбек Отақулов. — Уйлаганимиздек, бу самара берапти. Мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ёшлар бандлиги таъминланяпти, муаммолари ҳал этиляпти. Субсидия ва кредит олиш орқали тадбиркорлигини бошлаган ёшларимиз кўп. Муҳими, ёшлар давлатимиз кўмагини ҳис қиляпти.

Гулноза Ҳазратқулова ўғли Асадулло билан эрта ёлғиз қолди. Оила кўргони бевақт ҳаётдан кўз юмгач, ўғлининг таълим-тарбияси, рўзгор ташвиши Гулноза опанинг гарданига тушди. Асадулло олий таълим олиш учун имтиҳонларга астойдил ҳозирлик қурди. Билими панд бермади: Тошкентдаги Cambridge International University талабаси бўлди.



Тошкент ипотека маркази — комплекс хизмат кўрсатиш мажмуи

Бироқ иккинчи ярим йилликда тўланиши керак бўлган шартнома пулининг ярмини топа олмади. Она-бола у ёққа, бу ёққа чопди, пул топилмади. Асадулло она-сига таскин берди, ўқини ташлаб янги ўқув йилидан давлат бюджетни асосида бошқа университетга ўқишга киришини билдирди.

Ана шундай пайтда маҳалладаги ёшлар етакчиси уларнинг эшигини қочди. Узини таншитарган, зиммасидаги вазифаларини санади. Асадуллонинг ўқишни давом эттириш нияти йўқлигини билган, бу борада давлат кўмакка ҳозирлигини айтди.

— Уша кунни бир қарорга келиб бўл-гандим, — дейди Асадулло Ҳусанов. — Ёлғиз фарзанд бўлганим учун онамни қинаш эмас, ёрдამ беришим керак. Ёшлар етакчисининг кўмаги эса йиқилганимда ўрнимдан туриб, яна ҳаракатда давом этишга ундади. Давлатимиз томонидан 12 миллион сўм маблағ университет ҳисобига ўтказиб берилди. Шу тариқа 1-курсни битирдим. Ҳозир ўқув курсида ишляялман. Янги ўқув йили учун шартнома пулини йиғялман. Бунинг яхши томи ҳам бор экан: назарий билимларимни амалиётда мустаҳкамлялман. Қийин вазиятда мени қўлаб-қувватлаган, яхши кадр бўлишимга ишонч билдирган давлатимиз бўлди. Бу масъулият мени, мен каби бошқа тендошларимни ўз устимизда ишлашга, ҳаракат қилишга, юртимиз равнақига хисса қўшишга ундайди.

Муносиба Рустамова Тошкент давлат юридик университетининг 2-курсини битирди. У МФЙ тавсияси билан 4 фозиллик қўшимча грант асосида ўқишга қабул қилинган, инглиз ва хитой тилларини пухта билади. Айни пайтда туман прокуратурасида амалиёт олиб борапти. Муносиба унга давлатимиз томонидан берилган имкониятга жавобан астойдил ўқияпти. “Келажакда Япониянинг Нагоя университетига магистратурада тахсил олиб, халқроқ тажрибани мамлакатимизга олиб келмоқчиман”, дейди у.

бориб вақт йўқотган харидорлар энди барча хизматлардан бир масканнинг ўзида фойдаланиб, олди-сотди, гаров ва ипотека кредити шартномаларини расмийлаштириши, уй-жойга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиши мумкин. Марказимиз фақат хонадон харид қилувчилар эмас, балки ер участкаларини сотиб олишни истаган тадбиркорлар, девелоперлик компанияларини учун ҳам фойдаланувчи платформага айланади. Ҳозирда 6 та қурилиш компанияси йигирмага яқин лойиҳасини тақдим қилмоқда. Шунингдек, банк муассасалари, нотариус ва давлат хизматлари офислари ташкил этилган. Ипотека маркази харидорга Тошкент шаҳрида қурилаётган кўп квартиралли уйлар, квартиралар сони, майдони, қиймати ва жойлашуви, ипотека кредитлари олиш мумкин бўлган тижорат банклари ва уларнинг шартлари тўғрисида маълумот беради. Энг муҳими, маслаҳат маркази, танлов учун турли вариантлар, банк муассасалари ва уйни расмийлаштириш билан боғлиқ барча хизматлар бир жойда.

Уй харид қилмоқчи бўлган одамнинг бир қарорга келиши, ўзига ёққан манзилни танлаши қийин. Бугун бир манзилдаги уйнинг шароитлари билан танишса-ю,



маълум келмаса, эртага яна бошқа манзилга йўл олиши, танлов жараёнлари кўп вақт талаб қилиши мумкин. Чунки уй қураётган фирмалар ва уларнинг сотув офислари шаҳарнинг турли нуқталарида. Қолаверса, уйни расмийлаштириш билан боғлиқ овозгарчиликлар ҳам талайгина. Янги марказ “Уй харид қилганимча қовушимнинг таги тушиб қолди”, кабилидаги гапларни йўққа чиқаради. Нафақат аҳоли, балки тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қўлай имкониятлар масканда тадбиркорлар ва жисмоний шахслар ер участкалари, уй-жой ва тижорат кўчмас мулкларини ҳамда уларни сотиб олиш шартлари, ипотека кредитлари ва субсидия ҳақида барча маълумотларга эга бўлиши мумкин. Марказ Тошкент шаҳрида электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилган бўш ер майдонлари ва давлат мулки объектлари бўйича маълумотларни тақдим этиш баробарида сотиб олишда ҳам яхшигина дастёр вазифасини ўтайди. Аҳолига ҳар томонлама ва сифатли хизматлар кўрсатиш имкониятига эга экани боис, бу ер уй-жой ва тижорат кўчмас мулк соҳасидаги ягона ахборот тизими ҳисобланади.

Шаффоф ва очкилик тамойилларига асосланган ер участкалари бозорига айланаётган марказ тадбиркорлар ҳамда девелоперлик компанияларини, ипотека кредити асосида хонадон сотиб олишни истаган жисмоний шахслар учун фойдали платформага айланади.

— Тошкент ипотека маркази ер участкалари ажратишининг тадбиркорлар учун тенг, шаффоф, ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий этиб, ерга оид мулккий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлайди, — дейди “Янгиҳаёт” саноат технопарки дирекцияси раҳбари Умид Умаров. — Шунингдек, ер эгаларининг мулккий ҳуқуқлари ҳам тўлиқ қамолатланади. Бу, ўз навбатида, ерни ноқонуний сотиш ҳолатларига чек қўяди. Давлат органлари, девелоперлик компанияларини ва кўчмас мулк сотиб олувчиларини бир масканда бирлаштирадиган мажмуа биз учун катта имконият. Уй-жой ва тижорат кўчмас мулк сотиб олишни истаганлар учун эса кенг хизматлар спектрини тақдим этади. Авваллари имкониятларимизни тақдим этиб, тадбиркорлар билан шартнома тузишга қийналардик. Марказ — биз учун қўлай бозор. Жами 210 гектар ер майдонидидаги 60 та ер участкасини кимовши савдоси йўли билан сотишни режа қилганмиз. Тадбиркорлар билан бозор қоидаларига кўра мулоқот қилишимиз, шартнома тузишимиз учун марказда ўзига хос муҳит бор. Бу каби қўлайликлар технопаркда юқори технологияли, инновацион, илм-фан ютуқларига асосланган корхоналар қад ростилашда муҳим омил бўлади.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги беш йилда 250 миң хонадонли 8 миңдан ортиқ кўп қаватли уйлар ҳамда 21 миң сервис-хизмат кўрсатиш объекти қурилди. Бу борадаги барча ислохотлардан қўланган мақсад инсонларга қўлайлик яратишдир. Қурилишда руҳсат бериш жараёнлари 17 тадан 6 тагача, ер ажратишдан бошлаб қурилишга руҳсат олишгача бўлган муддат 286 кундан 86 кунга қисқаргани эса тадбиркорлар учун енгиллик бўлди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта орзу ҳамда мақсадларидан бири ўз уйига эга бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришдир. Бу бахтни узоқ йиллар ижарада яшаган, у ердан бу ерга кўчиб, қалбига хотир-жамлик улашадиган масканини қидирган, кўч-кўронлардан безор бўлгач, ўй эгасининг қўш-қовоғига қараб, тинчгина мурас қилишга мажбур бўлганлар яхши англайди.

Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар, ипотека бозоридидаги тақлифлар умумлашган, шаффоф тизим йўлга қўйилган ушбу марказ уй олишни истаган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи ёки кенгайтирмоқчи бўлганларга комплекс хизмат кўрсатиб, қатор масалаларнинг бир ерда ҳал этилишини таъминлайди.

Башорат ЮНУСОВА, Феруза ЖЎРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ҳар бир боланинг ҳеч кимдан кам бўлмай соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий андозалар асосида таълим-тарбия олиши учун барча зарур шароит яратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар биримиз уларнинг юзидаги табассум, кўзидаги қувончни кўриб, меҳридан куч олиб яшаймиз, қалбимиз фахр ва гурурга тўлади. Меҳр-оқибат бор жойда эса янгилини, юксалиш, эзгу мақсадлар сари шахдам оидмлаш бўлади.

Шу нуқтаи назардан, юртимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, етим ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни ўқитиш, қизиқиши бўйича турри йўналтиришга алоҳида эътибор берилиб, улар учун ҳар томонлама имконият яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар самараси қўлаб-қувватлашда яққол намоён бўлмоқда. Буни биргина имконият чекланган, шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан



кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани мисолида ҳам қўлайлиги мумкин. Хусусан, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган иктидорли талабалар стипендиеси 50 фозизга оширилиши, бундай талабаларга пенсия тўлаш муддати амалдаги 18 ёшдан 23 ёшгача узайтирилиши, уларга зарур адабиётлар сотиб олиши учун ҳар йили бир маротаба субсидия берилиши илгари тарихда бўлмаган.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Албатта, мамлакатимизда болаларга ҳамҳўрлик қилиш, уларни доимо қўлаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бу қадар юксак эътибор қаратилиши бежиз эмас. Зеро, болалар ҳуқуқини давомчилари, келажакдаги ворислари, юрт таянчидир.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Фуқаролик, Меҳнат ва Жиноят кодекслари ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, амалдаги Конституцияимизнинг 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради”, деб қаралган бўлган.

Аммо бола ҳуқуқлари соҳаси шундай тизимки, давр ва вақт ўтган сари янги-янги ўзгаришлар, қўшимчалар киритилмаса, ҳуқуқни рўйбга чиқаришда муаммолар юзага келаверади. Негаки, бугун дунёнинг қўлаб давлатларида турли зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда фарзандларимизнинг маънавий иммунитетини қучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида бу борада янги нормалар акс этаётгани, албатта, қувонарли. Жумладан, қонун лойиҳасининг 64-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини вояга етгунига қадар боқиб, уларнинг тарбияси, таълими, соғлом, тўлақонли ва уйғун камол топиши тўғрисида қайғуриши, ушбу йўналишдаги хайрия фаолиятини рағбатлантириши мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Мазкур янгилик орқали Конституцияимизнинг 64-моддаси биринчи қисмига иккинчи муҳим ўзгариш киритилмоқда. Биринчидан, ота-оналар қаторига уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳам киритилмоқда. Иккинчидан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар нафақат боқиб ва тарбиялаш мажбурияти, балки уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва уйғун камол топиши тўғрисида қайғуриши шартлиги белгиланмоқда.

Бу эса давлат болаларни ҳар доим қўлаб-қувватлайди, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг таълим олиши, соғлигини сақлаш, ҳаётга мослаштиришга ҳуқуқий шароитлар яратаяди, дегани. Агар болаларнинг таълим олиши, касб-ҳунар

эгаллаши ва орзу-интилишларини рўйбга чиқариш зарур шароитлар яратилса, уларда олдин-га интилиш, ҳаракат бўлади.

Шу билан бирга, болаларимизнинг манфаатидан келиб чиқиб, Конституцияимизнинг 64-моддаси иккинчи қисмига ўзгаришлар киритилмоқда. Унга мувофиқ, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишга шароит яратиш билан бирга, уларнинг соғлом, баркамол ривожланишини таъминлаш лозимлиги белгиланмоқда. Мазкур меъёларнинг Конституцияимизда акс эттирилиши болаларимизнинг соғлом ва уйғун ривожланиши учун конституциявий даражада муҳим замин яратаяди.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими тобора тақомиллашмоқда. Конституцияимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, ҳур фикрли авлод сифатида камолга етишига хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори, Уққун ХУДОЁРОВ, Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар ишлари шуръбаси мудир

Натижада, 8 миллиондан зиёд йигит-қизни қамраб олган "Ёшлар баланси" шакллантирилди. Унинг асосида "Ёшлар дафтари"га киритилган 733 мингдан ортиқ йигит-қизнинг муаммолари ҳал этилди.

Деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган 566 минг ёшга 158 минг гектар ер майдони ажратилди.

Ёшларни ишга олган тадбиркорларга ижтимоий солиқ суммасини қайтариш тартиби жорий этилди ва бу имкониятдан 7,5 минг корхона фойдаланган.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан "Ёшлар баланси" асосида аниқланган ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг муаммолари таҳлили натижасида "Ёшлар дафтари" тизими тўлиқ қайта қуриб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга ҳам изчил ёндашилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида мавофиқ, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин қаматириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган "Қонун ва адолат — устувор, жиноятга ҳазо муқаррар" тамойили асосида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ўнги йилларда жойларда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида мутасадди раҳбарларнинг ёшлар билан учрашувлари аъёна тусини олди. "Ҳоким ва ёшлар", "Прокурор ва ёшлар", "Суд ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар" мавзуларида очик мулоқотлар шулар жумласидандир. Эътиборлиси, бу каби учрашувларда ёшлар кўтарган муаммолар ечими юзасидан "Ёшлар дастурлари" ишлаб чиқилди.

Яна бир муҳим йўналиш — ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариш, фан-таълим соҳасида уларни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим яратилди. "Таълим тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун билан таълим турлари, шакллари ҳамда таълимнинг босқичлари



3 йил ишлаб бериш шarti билан 30 миллион сўм миқдориди бир марталик ёрдам пули ва уй-жойи бўлмаганларга 3 йил давомида хизмат уй-жойлари ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдориди ҳар ойлик компенсация берилиши белгиланди.

Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги "Республика олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий қилинди. 2021-2022 ўқув йилида олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар йигит-қиз мазкур грант асосида ўқишга қабул қилинди.

ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021-2022 ўқув йили якунига қадар умумтаълим мактабларида 7257 та, Президент таълим муассасаларида 23 та, профессионал таълим муассасаларида 211 та, академик лицейларда 36 та, олий таълим муассасаларида 177 та, маҳаллаларда 5668 та "Заковат" интеллектуал клуби координаторлари ва тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур машғулотларда мактаблардан 300 мингдан ортиқ, Президент таълим муассасалари, профессионал таълим муассасалари ва академик лицейлардан 11 мингдан ортиқ, олий таълим муассасаларидан 33 мингдан ортиқ ёш доимий иштирок этиб келмоқда.

Интеллектуал ўйинларни янада оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия ва Германия иқтидорли ёшлари учун Нобель мукофотининг 10 дан ортиқ лауреати иштирокчида IV "Nobel Fest" фестивали ташкил этилди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш билан бирга, ёш оилаларга кўмак бериш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш йўналишидаги ишлар ҳам диққатга молиқдир. Президентимизнинг 2021 йил 30 июлдаги "Қам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мавофиқ, "Темир дафтар"га киритилган 90,8 минг оиланинг 18 ёшга тўлмаган 195,3 минг фарзандини қишки кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Президентимиз таълим Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкил қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" гоясини Асосий қонунда мустаҳкамлаш таклифини илгари сурди. Бу гоя замирида инсон қадрини улуғлаш тургани барча теран ҳис этди. Зотан, аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим тарихий қисмидир.

Шу ўринда ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёт гоялар таъсиридан асраш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, буюк маърифатпарвар Фитрат айтгандай: "Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир". Шунинг учун маҳалла ва таълим муассасаларида зарур инфраструктура, ресурс ва шарт-шароитларни яратиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қатъий эътибор қаратиляпти. Шу йўналишда "Беш муҳим ташаббус" жорий қилиниб, йилдан-йилга ёшлар ҳаётига сингиб бормоқда.

Хусусан, бу йил илк бор ҳар бир маҳаллада китобхоналик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича кенг қўламли "Беш ташаббус олимпиадаси" ўтказилди. Мусобақаларга 6,2 миллион ёш қамраб олинган лойиҳанинг нақадар самарадорлигидан далолат беради.

Олимпиада доирасидаги 8 та йирик танлов ва мусобақа маҳалла, секторлар, туман (шаҳар), ҳудуд, республика миқёсида ташкил этилди. Масалан, ёшларнинг мусика, рақсомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқшини ошириш, истеъдодини юзга чиқариш мақсадида апрель-май ойларида "Ёшлар овози" ҳамда апрель-июнь ойларида "Кувноқлар ва зуккорлар" танловлари ўтказилди.

Янги ширали овоз эгаларини кашф этишга хизмат қилаётган "Ёшлар овози" танловининг мамлакат босқичи Бўзатов тумани ҳамда Нукус шаҳрида ўтказилди. "Бўзатов ФЕСТИ" — "Ёшлар овози" танловиди 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 238 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз уч ёш тоифасида ўз истеъдодини намойиш этди. Ғолибларга учта ўрин бўйича 50, 30, 20 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди. Бундан ташқари, республика босқичида иштирок этган қолган барча иштирокчилар қаролатилган 10 миллион сўм билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, жисмоний чиниқтириш, ёшларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намойиш этиш учун шароит яратиш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида маҳаллаларда футбол, мини футбол, волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат, шашка, стол тенниси ва "Street workout" бўйича

16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида беш босқичда мусобақалар ўтказилди.

Президентимизнинг 2022 йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, бу спорт турлари бўйича мусобақалар ҳар йили аъёнавий тарзда 30 июнь — Ёшлар кунини ҳамда декабрь ойидаги "Ёшлар форуми" доирасида беш босқичли оммавий спорт мусобақалари тарзида ўтказилмайдиган бўлди. Қарор билан 2023 йил 1 мартдан бошлаб олимпиада, нолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини ўтказиш тизими ҳам жорий қилинади.

Қайд этиш кераки, бугун ёшлар орасида шахмат спорт турига қизиқиш тобора ортапти. Жорий йилда ўтказилган "Ёшлар ишлари агентлиги кубоғи" республика шахмат турнирида ўн минглаб ҳаваскор ва маҳоратли шахматчилар катта қизиқиш билан иштирок этгани буни тасдиқлайди. Мусобақанинг финал босқичи Қизилтепа туманидаги "Тўдақул" мажмуасида бўлиб ўтди. Унда турирнинг маҳалла, сектор, туман ва вилоят босқичларида сараланган 56 нафар иштирокчи қатнашди. Бундан ташқари, май ойида юртимизда ўтказилган Марказий Осиё ёшлар форуми доирасида халқаро ёш шахматчилар турнири ташкил қилинди.

Шахматга давлат даражасида эътибор қаратилиб, Президентимизнинг 2022 йил 5 августдаги "Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қувонарлиси, жорий йил 28 июль — 9 август кунлари Хиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Якубовов, Жаҳоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби ўғлонларимизнинг истеъдодига бутун дунё яна бир бор тан берди. Улар 188 та жамоа орасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатимиз тарихида илк бор шахмат бўйича олимпиада олтин медалларини қўлга киритди. Шу билан бирга, 2026 йилда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиш бўйича тендер танловиди Ўзбекистон Республикаси ғолибликни қўлга киритди.

Бундан ташқари, IT ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида 198 та Рақамли технологиялар ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Тошкент вилоятида замонавий технологияларни ўзидида мужассам этган "Astrum" IT академияси ташкил этилиб, йилгига 1 000 нафар ёш ахборот-технологиялари ва дастурлашга ўқитилмоқда. Шунингдек, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 1,2 миллиондан ортиқ ёш компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилди. Шундан 3242 нафарига компьютер харид қилиши учун кредит ажратилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ақлий салоҳиятини китобхоналик орқали ривожлантириш масаласи ҳам долзарб вазифаларимиздан биридир. Китоб инсоният тафаккурининг дурдонаси. У болаларнинг ақл-заковати маҳсулини авлодларга етказиши. Шу боис, ёшлар орасида мутлола маданиятини шакллантириш, китобхоналикни кенг тартибда қилиш оммавий тус олади. "Ёш китобхона", "Зукко китобхона" интеллектуал ўйини, "Ёш китобхона", "Ёш китобхона оила" ҳамда "Мушоира" танловлари ўтказилди. "Ёш китобхон" республика танлови бошланган 2017 йилдан бугунга қадар 3 миллиондан ортиқ ёшнинг қамраб олди. 2017 йилда беллашувда қатнашган учун 240 мингга ариза келиб тушган бўлса, ўтган йили бу курсатки 555 мингдан ортди. Шу рақамнинг ўзиёқ ўғил-қизларнинг китоб мутлоасига қизиқиши, танловга ишончи йилдан-йилга ошаётганини курсатади.

Умуман олганда, соҳада эришилаётган самарали натижалар ва ютуқларнинг замирида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Президенти томонидан берилган топшириқлар дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур муҳим ҳаётли топшириқлар ижроси Вазирлар Маҳкамаси аппарати томонидан қатъий тартиб ва "темир интизом" асосида тизимли ташкил этилмоқда. Ижро интизомига тўлиқ амал қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бу эса қатъий назорат ва масъулиятни талаб этадиган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз ёшларининг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига замин яратди.

Янги ширали овоз эгаларини кашф этишга хизмат қилаётган "Ёшлар овози" танловининг мамлакат босқичи Бўзатов тумани ҳамда Нукус шаҳрида ўтказилди. "Бўзатов ФЕСТИ" — "Ёшлар овози" танловида 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 238 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз уч ёш тоифасида ўз истеъдодини намойиш этди. Ғолибларга учта ўрин бўйича 50, 30, 20 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди. Бундан ташқари, республика босқичида иштирок этган қолган барча иштирокчилар қаролатилган 10 миллион сўм билан рағбатлантирилди.

аниқ белгилаб берилди. Мазкур қонун ижроси юзасидан мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизимини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган стратегиялари қабул қилиниб, ёшларнинг сифатли таълим олиши ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришнинг янги механизми яратилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги "Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вақилларнинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчи (талаба)ларга таълим муассасасини битираётганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, йўл харajatлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдориди пул нафақаси бериш тартиби жорий этилди. Шунингдек, уларни турар жой билан таъминлаш учун 2021 йилдан бюджетдан маблағ ажратиш тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин уч йил ичида олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига ишга қабул қилинганди уларга камиди

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси таянч докторантурада тахсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун икки баробар оширилиб, 10 тадан 22 тага етказилди.

Талаба ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим йўналиши жорий этилиб, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган талаба ёшларнинг 23 мингдан ортиғи-га ижара тўловлари қоплаб берилди.

Асрлар давомида дошиманд халқимиз, улуғ аждодларимиз томонидан илгари сурилган "Илм замирига қурилган маърифатли жамият" гояси бугунги кунда ўз аксини топмоқда. Зеро, иқтидорли ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 255 та, минтақавий олимпиадаларда 230 та олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистон мезбонлик қилган 56-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган 16 та давлат вақиллари орасида ёшларимиз илк марта 1 та олтин, 4 та кумуш, 5 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги "Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан бундай харажатларни қоплаб бериш тизими янада такомиллаштирилиб, имтиҳон турлари сони 5 тадан 18 тага оширилди ҳамда ўтган давр мобайнида жами 6 915 нафар ёшнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилди.

Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни ҳожижий тилларга ўқитиш бўйича олти ойгача муддатли ўқув курслар учун ҳар ойда 1,2 миллион сўмгача субсидия бериш тизими яратилди. Техникумларга қабул бир йилда икки марта ташкил этилиб, касбий таълимга қаров 35 фоизга оширилган ҳам қувонарлиқдир.

Талаба ёшлар ижтимоий аҳолидан келиб чиқиб доимий қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тулов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ўтган ўқув йилида 27 мингдан ортиқ талабага имтиёзли таълим кредитлари ажратилди.

Президентимизнинг 2022 йил 20 январдаги "Заковат" интеллектуал ўйини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЖАРАЁН

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда

— Туман бўйича “Очиқ бюджет” ахборот порталига фуқаролар томонидан жами 461 та тақлиф келиб тушган. Улар тузилган ишчи комиссия томонидан ўрганилиб, 265 та тақлиф белгиланган мезонларга мос келмагани туфайли рад этилди ва 196 та тақлиф овоз бериш босқичига ўтказилди. Бу босқичда фуқаролар томонидан тақлифларга жами 14 413 та овоз берилди. Бу туман аҳолисининг 27,4 фоизини ташкил этди, — дейди Қораўзақ тумани молия бўлимининг маҳаллий бюджетни шакллантириш, бюджетни жамлаш ва бошқа ташкилотларни молиялаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари Женисбой Кемалов. — Овоз бериш жараёни натижаларига кўра, “Ата макан” МФЙ ҳудудидаги 2-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини таъмирлаш тақлифи учун 945 миллион сўм ажратилди. Ушбу маҳаллага ичимлик сув олиб келиш бўйича қурилиш ишларига 525 миллион сўм йўналтирилди. Бундан ташқари,

26-умумтаълим мактабига яшил қопламали мини футбол майдони қуриш, болалар касб-хунар мусиқа мактабини таъмирлаш тақлифи ғолиб деб топилди ва зарур маблағ ажратилди.

Аҳоли неча йиллардан буён ўзларини кийнаб келатган у ёки бу ижтимоий муаммони ҳал этиш бўйича тақлифларини илгари сурмоқда. Жумладан, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик сув билан таъминлаш, кўчаларга тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ва таъмирлаш, мактабларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, болалар майдончалари қуриш, экологик вазиятни яхшилаш сингари муаммолар кўтарилди, ўз навбатида, уларга ечим ҳам топилмоқда.

2019 йилдан бошлаб татбиқ этилаётган бюджет маблағларини тақсимлашда фуқароларнинг иштирок этиш механизми туман (шаҳар) бюджетларидаги қўшимча даромаднинг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молия-

лаштириш учун йўналтиришни кўзда тутди. 2021 йилда фуқароларнинг ташаббуслари учун ажратилган ушбу маблағ манбалари сезиларли даражада кенгайтирилди ва қўшимча даромадларнинг 10 фоизидан 30 фоизга етказилди. Молиялаштириш ҳақи кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, фуқаролик ташаббуслари лойиҳалари бўйича тақлифларни илгари суриш, танлаш, умумий овоз бериш механизми ва босқичлари ҳам қайта қўриб чиқилди.

66

ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ЖАРАЁНИНИНГ ИККИНЧИ МАВСУМИГА 22 ИЮЛДАН СТАРТ БЕРИЛДИ. ТАШАББУСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН 900 МИЛЛИАРД СўМ АЖРАТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



тумандаги мавжуд 17 та боғча учун 2 дондан чикинди контейнери, 17-МТМга қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар олиб берилди. Ташаббусли бюджет ижтимоий масалаларни ҳаз учун этишда муҳим механизмдир. Шу боис, 2022 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига фаол қатнашишга ҳаракат қилдик. Натижада туманидаги 11-, 13-, 14-, 17-мактабгача таълим ташкилотларига жами 923 749 900 сўм ажратилиб, бугунги кунда уларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилда Қорақалпоғистонда “Ташаббусли бюджет” жараёнининг иккинчи мавсумига 22 июлдан старт берилди. Ташаббуслари қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан 900 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

— Мўйноқ туманидаги мактабгача таълим ташкилотлари қамрови 92 фоизга етди, — дейди мазкур туман мактабгача таълим бўлими раҳбари Флора Айманова. — Албатта, бу жуда яхши кўрсаткич. Ушбу муассасалардаги муаммоларни кўтариб чиқиш натижасида ташаббусли бюджет орқали 2021 йилда 7- ва 8-мактабгача таълим ташкилотларининг ҳар бирига 50 миллион сўм берилди. Бу маблағга иситиш қозонхоналари ўрнатилди. Шунингдек,

2022 йилнинг 1 январидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали “Менин йўлим” лойиҳаси доирасида жамоатчилик фикридан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ички йўлларни таъмирлаш учун маблағ ажратиш ҳам кўзда тутилди.

Тўртқул туманида Фуқаролар ташаббуси жағғармасидан жамоатчилик фикри асосида ғолиб топилган лойиҳалар ичида Дўстлик маҳалласидаги Саломатлик кўчасининг 700 метрига

асфальт, Гулзор ва Қалдирғоч кўчаларига қум-шағал ётқириш ишлари олиб борилмоқда.

— Маҳалламизда 363 та хўжаликда 2543 киши истикомат қилади, — дейди “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сапарғул Ражапова. — Маҳалламиздаги Муқимий кўчасининг 700 метр қисми, Фаллакор кўчасининг 550 метр, Эркин кўчасининг 600 метр ва Зиёкор кўчасининг 550 метр қисмига асфальт ётқирилмоқда. Шунингдек, оқова сув учун насос қурилиб, эски электр устунлари ва симлари янгисига алмаштирилди.

2022 йилда Кегейли туманида жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” порталида энг кўп овоз тўплаган 9 та тақлиф ғолиб деб топилди.

— “Очиқ бюджет” ахборот порталида 2022 йил 1 февралдан 22 февралгача туманимиз фуқаролари томонидан жами қиймати 71 миллиард 651,8 миллион сўм бўлган 427 та тақлиф келиб тушган бўлса, 50 миллиард 838,4 миллион сўмлик 321 та тақлифга жами 33 677 овоз берилган, — дейди Кегейли тумани молия бўлими мутахассиси Пердөбай Искендеров. — Бу туман аҳолисининг 45,6 фоизини ташкил этмоқда. Энг кўп овоз тўплаган 9 та тақлиф ғолиб деб топилди ва 3 миллиард 195 миллион сўм ажратилди. Жумладан, Кегейли тумани “Қумшунгул” ОФЙ ҳудудидаги Бексийқ овулида 30 та оилга табиий газ учун 190 миллион сўм ажратилиб, ижроси таъминланди. Шунингдек, “Жалпақ жап” ОФЙ ҳудудидаги Бойботир кўчасининг 2 километр қисмига шағал ётқирилди. “Оқтўба” ОФЙдаги Тамғали овулининг 1,5 километр ички йўлига шағал тўшалди, 5-умумтаълим мактаби ва 6-мактабгача таълим ташкилоти ёнидан болалар футбол майдончаси қуриб берилмоқда. Шу билан бирга, тумандаги Чимбой-Нукус трассасининг “Жузим-бағ” ОФЙ ҳудудидан ўтадиган 3 километрлик қисмига тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш учун 375 миллион сўм ажратилди.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни шифофлиги ва самарадорлиги ошишига хизмат қилади.



ХАВФСИЗ ВА РАВОН ЙЎЛ

МЕТРОЛОГИК “ҲИМОЯ”

қоидабузарликларни тез ва осон аниқлайди

Йўл қодаларини менсимаслик, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳайдовчи учун ҳам, пиёда учун ҳам ёмон оқибатларга олиб келади. Афсуски, ҳаётимизда бундай ҳодисалар содир бўлиб туради. Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланган, 2,5 мингга яқин одам ҳалок бўлган.

Ўлчашлар меъёри назоратда

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг бир бўлини аниқ ўлчашларга бориб тақалади. Яъни автотранспорт йўлида фойдаланиладиган қурилмалар ҳам муайян ўлчашлар, доимий назоратни талаб этади. Бу борада Ўзбекистон миллий метрология институти томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, транспорт воситаси тезлигини аниқлашда қўлланилаётган тезлик ўлчаш воситалари (радарлар)ни олайлик. Ҳаракат вақтида транспорт воситаларининг ноконуний ҳаракатлигини ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чора қилиш учун радарларнинг аниқ ишлашини таъминлаш муҳим.

Шу мақсадда юртимизда Германиянинг “ATLAS International” компанияси билан ҳамкорликда автоматлаштирилган йўл ҳаракати қодаларига риоя этилишини фото-видеофиксация қилиш тизими яратилди. Ҳозирги кунда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доирасида мамлакатимиз бўйлаб 389 донана шундай замонавий радар ўрнатилган.

Радарлардан шаҳарлараро йўллар ва шаҳар ичи чорраҳаларида муҳим жойлаштирилган ҳамда мобил тарзда ҳаракатланган ҳолда фойдаланилади. Стационар радарлар чорраҳа ва йўлларда светофорга яқин, ер сатҳидан 8–10 метр баландликда ўрнатилди. Мобил радарлар эса йўлнинг қатнов қисмидаги тезликни назорат қилиш учун махсус автомобилларга ўрнатилган ҳолда ишлатилади.

Йўл ҳаракати қодаларини бузилишини автоматик фото-видео қайд қилиш тизими қатор афзалликларга эга. Унинг ёрдамида йўлнинг назорат қилинаётган қисмида аниқ вақтинчи суратга олиш, транспорт воситасининг ҳаракатлини тезлиги ва жойлашган жойини аниқлаш, назорат ҳудудида транспорт воситаларининг ўтиш ҳодисаларини қайд қилиш, шакллантирилган ахборот пакетларини сақлаш, архивлаш, узатиш, қидириш ва бошқа тезкор маълумотларни олиш мумкин.

Барча радарлар меъёрий ҳужжатларга асосан, йилда бир март давлат метрологик текширувдан ўтказилади. Уларнинг метрологик

назорати Ўзбекистон миллий метрология институтининг махсус лабораториясида амалга оширилмоқда. Лаборатория германиялик экспертлар билан ҳамкорликда халқаро талабларга мувофиқ ташкил этилган. Жараёнда институтнинг 4 мутахассиси Германиянинг Кельн шаҳридаги “Jenoptik Robot GmbH” лабораториясида амалиёт ўтаб, билим ва кўникмасини ошириб қайтди.

Тарозилар автомобиль оғирлигини ўлчайди

Автоҳалокатлар содир бўлишига кўп ҳолларда ҳайдовчиларнинг автомобилни маст ҳолда бошқариши ҳам сабаб бўлади. Меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳозир йўлпатрул хизмати инспекторлари ҳайдовчиларда мастлик ҳолатини аниқлашда нафасдаги ортикал алкоголь миқдорини ўлчаш воситаси (алкотестор)дан кенг фойдаланади.

Алкотестер ёки алкоголь анализаторлари спиртли ичимликлар концентрациясини одам



томонидан чиқарилган ҳавода ёки одамнинг қонида эҳшалацияланган ҳавони ўлчаш учун мўлжалланган воситадир. Мазкур қурилма қоидабузувчиларни аниқлаш ва керакли чоралар қўллашни осонлаштиради. Ҳозир юртимизда кўпга турдаги алкоголь анализаторлари давлат реестрига киритилган ва улар даврий қислашдан ўтказилмоқда. Биргина 2021-2022 йиллар давомида “AlcoStop 8000S” турдаги 600 дан зиёд фотофиксация ва натижани қайд этувчи чек қоғозини чиқариш хусусиятига эга алкоголь анализаторлари олиб келинди.

Айни вақтда мамлакатимизда фойдаланилаётган жами 950 донана алкотестердан 721 таси институт лабораториясида метрологик текширувдан ўтказилиб, тегишли хулосалар расмий-



лаштириб берилган. Қолганлари ҳам режага асосан, йил якунига қадар метрологик текширувдан ўтказилади.

Йўллардаги ҳаракат хавфсизлигига таъсир қилувчи яна бир омил юк машиналарининг руҳсат этилганидан ортиқ юк билан ҳаракатланиши оқибатида йўл қопламаларини носоз ҳолатга келтириши (деформация) билан боғлиқ. Буни назорат қилиш ҳамда автомобиль йўллари яроқсиз ҳолга келишининг олдини олиш мақсадида Тошкент — Уш автомобиль йўли (А-373) орқали ўтувчи автотранспорт воситаларининг ўққа тушадиган оғирлигини ўлчаш учун Қамчик довомида замонавий электрон автомобиль тарозилари ўрнатилган. Ушбу тарозилар институтда мавжуд махсус кўча лаборатория ва намунавий тарози тошлари ёрдамида доимий равишда метрологик текширувдан ўтказилади.

Шовқин радарлари ўрнатилмоқда

Йўлларда турли тоифадаги инсонлар ҳаракатланади ва уларнинг айримлари атрофдагиларга билиб-билмай ноқулайлик туғдиради. Масалан, баъзи ҳайдовчилар автомобиль двигатели, сигнал ва тормоқлашни шовқини даражасини баландлатиб, йўловчилар ва йўлларга туташ жойлардаги аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Ваҳолаки, бу борада белги-

ланган талаблар мавжуд, уни бошқариш учун эса аниқ ўлчашлар зарур бўлади.

Шу боис, ҳозирги вақтда автотранспорт воситаларидан ҳосил бўладиган шовқиннинг белгиланган меъёрига мувофиқлигини мажбурий даврий назорат қилиш тартибини белгилаш ва унинг даражаси энг юқори бўлган чорраҳаларда овоз баландлигини ўлчаш воситалари (шовқин радарлари)ни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Жараёнда, аввало, шовқин даражасини белгилаб олиш талаб этилади. Унга нисбатан турли таърифларни келтириш мумкин. Халқаро меҳнат ташкилотининг ишчиларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоялаш тўғрисидаги конвенциясига кўра, эшитиш қобилияти йўқолиши қабулривчи ёки соғлиқ учун зарарли ёки бошқа муносабатда хавfli бўлган ҳар қандай товуш шовқин ҳисобланади.

Мамлакатимизда шовқин радарларидан фойдаланиш қодаларини шакллантиришда бир қанча меъёрига кўзда тутилган. Хусусан, намгарчилик юқори бўлган, шамолли (5 м/с дан юқори бўлган), қўшимча шовқинли муҳит ҳамда радио ва электромагнит нурланишларнинг юқори бўлган ҳолатларида қурилмаларни тўхтатиб туриш зарур. Қолаверса, қурилманинг очиқ осмон остида фойдаланилиши ҳамда унга ўрнатилган махсус микрофонлар сезирилигини инобатга олиб, шовқин радарлари доимий белгиланган муддатларда метрологик текширувдан ўтказиб турилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий метрология институтида шовқинни ўлчаш воситалари бутлигига кирувчи микрофонларни метрологик текширувдан ўтказишнинг техник имконияти (эталон) ҳам яратилмоқда.

Умуман, йўл ҳаракати доимий аниқликни талаб этади. Бунда нафақат қодалар, балки уларни таъминловчи техника ва қурилмалар ҳам белгиланган аниқликда ишлаши лозим. Шундагина йўллардаги хавфсизлик таъминланиб, қоидабузарликларнинг олди олинади.



Лазизбек САИДОРИПОВ,
Ўзбекистон миллий метрология
институти директори

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 11 февралда йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу рақамлар қайд этилди, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас масала экани алоҳида таъкидланиб, бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ҳақиқатан, йўлларимиздаги ҳаракат хавфсизлиги масаласи кундан-кунга долзарблашиб бормоқда. Бу фожиалар ортида кўпинча ҳайдовчиларнинг тезлики меъёридан ошириши, автотранспорт воситасининг техник ҳолатига эътиборсизлиги, уни маст ҳолатда бошқариши каби сабаблар тургани сир эмас. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яъни баъзи ҳолларда йўл носозлиги ҳам турли нохуш оқибатларга олиб келмоқда.

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

“Янги Ўзбекистон” университетини битирган йигит-қизлар саноат инқилобини яратишга қодир бўлади

Мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос олий таълим тизимини барпо этиш йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” университети мамлакатимиз олий таълим тизимининг етакчи ўқув даргоҳи сифатида юртимиз ва дунё таълимнинг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этиб келаётир.

Университетда таълим жараёнини умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича бир қанча халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, АҚШнинг Массачусетс технология институтини, Стенфорд университети, Буюк Британиянинг Кембриж университети, Германиянинг Мюнхен техника университети каби нуфузли хорижий олий таълим муассасалари таълим жараёнини амалиётга татбиқ этилмоқда.



Массачусетс технология институтини инновация ва янги фойдалар, ахборот технологиялари бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Яқинда мазкур университетнинг собиқ вице-президенти, “Янги Ўзбекистон” университетининг фахрий профессори Санжай Шарма юртимизда меҳмон бўлди.

Таниқли олим ва педагог ўз фаолиятини 1996 йилда Массачусетс технология институтини бошлаган. 2012 йилда мазкур институтнинг очик таълим дастури бўйича илк вице-президенти этиб тайинланган, қарийб ўн йил мобайнида бир қатор ноёб лойиҳаларни амалиётга татбиқ этган.

Жумладан, институтда Auto-ID (янги сенсор технологиялари соҳасидаги лабораториялар ва тадқиқот гуруҳининг мустақил тармоғи) марказига асос солган ва ҳозирда бутун дунёда қўлланиладиган RFID стандартларининг EPC тўпламига доир кўплаб асосий технологияларни ишлаб чиққан. Шунингдек, GS1US, Hochschild Mining ва бир қанча стартап компаниялар, жумладан, Top Flight Technologies ҳамда Буюк Британиянинг Schlumberger Oilfield Services компаниялари, Калифорниянинг Беркли шаҳридаги Lourens Berkli лабораторияларида ҳам бир қатор муҳим таълим жараёнида иштирок этган.

Мухбиримиз таниқли олим Санжай Шарма билан юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, “Янги Ўзбекистон” университети фаолияти борасидаги таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.

— Аввало, Ўзбекистонга ташрифингиз доирасида қандай тақлиф ва ташаббуслар режалаштирилган ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Гузал юртининг табиати, самимий ва меҳмондўст халқи ҳақида илиқ таассуротга эгаман. Бу юрtdаги қадимий меъморчилик, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлар эса мени доим ўзига мафтун этиб келган. Мутахассислигим ва иш фаолиятим таълим соҳасида бўлгани боис, Ўзбекистонда, жумладан, “Янги Ўзбекистон” университетидаги таълим жараёнини кузатиш, ўз таълимим билан ўрtoқлашиш мақсадида келдим. “Янги Ўзбекистон” университети ва Массачусетс технология институтини ўртасида

мумкин. Шу ўринда Ўзбекистондаги таълимга қаратилаётган эътиборни юқори баҳолайман. Бу яқин келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

— Икки университет ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари самараси бугун нималарда кўзга ташланмоқда?

— Массачусетс технология институтига раҳбарлик қилган пайтимида J-Wel — Абдул Латиф Жамил дунё таълим лабораториясига асос солганман. “Янги Ўзбекистон” университети мазкур таълим марказига аъзо муассасалардан бири. Биз таълим жадалли, қолаверса, академик жараёни шакллантириш бўйича ҳамкорлик қиламиз. J-Wel жамоаси “Янги Ўзбекистон” университетини шакллантиришда ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Мен доим тақдиримизни таълим дастури бошқа нуфузли университетларники билан бир хил бўлиши шарт эмас. У ўзига хос бўлиши керак. “Янги Ўзбекистон” университети раҳбарияти айнан шундай қарашга эга эканлигини жуда хурсандман.

J-Wel дунё таълим лабораторияси глобал таълим ривожлантириш мақсадида қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келади. Мазкур лаборатория

вақтини илмий ишлар, тадқиқотлар ва унинг муҳокамасига бағишлаши керак. Мана шунда мўъжиза рўй беради. Дунёда математика, физика, квант физикаси ва кимё фанларидаги ривожланиш орқали технологиялар ҳам тараккий этиб бормоқда. Ушбу ривожланиш ва юқори билим кўрсаткичларини биз Япония, Германия ва АҚШ каби дунёнинг илм-фан ва технологиялар бўйича етакчи давлатлар қайд этганини кўришимиз мумкин. Фикримча, барча халқлар иқлим ўзгариши, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш орқали ривожланиш имкониятига эга. Бу учун биз фақатгина таълимдаги муаммоларни ечиш ва таълим жараёнига кўпроқ технологияларни жорий этиш орқали эришимиз мумкин. “Янги Ўзбекистон” университети билан ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам шу.



Мен 10 йил Массачусетс технология институтига раҳбарлик қилганман. Фахрланиб айта оламаники, шу давр мобайнида ажойиб кўрсаткичларни қайд этдик. Эндигина фаолият бошлаганимда раҳбарлик даврим 10 йилга бориши керак эмаслигини ўзимга айтган эдим. Сабаби, бирор-бир таълим муассасасининг

нафақат Массачусетс технология институтининг қарашларини тарғиб қилади, балки глобал миқёсда таълим сифатини яхшилашга интилади. Мана шундай қарашлар “Янги Ўзбекистон” университетидега ҳам мавжуд. Қолаверса, ҳукумат томонидан таълим сифатини юксалтириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бу борада юқори натижага эришиш имконияти кенгайганидан дарак беради.

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос ривожланиш модели бор. Энг яхши таълимнинг ўрганиши, талабалар, илм ва фикр алмашишимиз лозим. Биз таълимни ривожлантириш борасида мустақил беришимиз мумкин. Лекин университетни сизлар қуряёсиз. Бу сизнинг ва бизнинг таълимимиз асосида биргаликда барпо этилаётган университет.

— Университет биноси қурилиши лойиҳасида сиз ҳам иштирок этгансиз. Унинг ўзига хослиги нималарда акс этган?

— Университет биноси Ўзбекистонда ҳали кузатилмаган инновацион услубда қурилади ва ўзида улкан лабораторияни жо этади. Ўзбекистондаги энг яхши саноат корхоналари офисларини университет биносида ташкил этиш ва бу ерда яратилган янгилик ва инновацияларни тижорийлаштириш кўзда тутилган.

Айни пайтда аксарият мамлакатларнинг таълим тизимида дарснинг асосини маъруза ташкил этади. Бу ҳолат энди ўзгариши лозим. Талабаларнинг ўзи ишлашига йўл қўймоқчимиз. Оқддий маъруза хоналаридан кўра, кўпроқ лабораториялар, яъни талабалар ишлашига шароит яратиш керак. Талаба маъруза дарсларида ижтимоий тармоқлар орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Университетда ўз

вақтини илмий ишлар, тадқиқотлар ва унинг муҳокамасига бағишлаши керак. Мана шунда мўъжиза рўй беради. Дунёда математика, физика, квант физикаси ва кимё фанларидаги ривожланиш орқали технологиялар ҳам тараккий этиб бормоқда. Ушбу ривожланиш ва юқори билим кўрсаткичларини биз Япония, Германия ва АҚШ каби дунёнинг илм-фан ва технологиялар бўйича етакчи давлатлар қайд этганини кўришимиз мумкин. Фикримча, барча халқлар иқлим ўзгариши, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш орқали ривожланиш имкониятига эга. Бу учун биз фақатгина таълимдаги муаммоларни ечиш ва таълим жараёнига кўпроқ технологияларни жорий этиш орқали эришимиз мумкин. “Янги Ўзбекистон” университети билан ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам шу.

Мен 10 йил Массачусетс технология институтига раҳбарлик қилганман. Фахрланиб айта оламаники, шу давр мобайнида ажойиб кўрсаткичларни қайд этдик. Эндигина фаолият бошлаганимда раҳбарлик даврим 10 йилга бориши керак эмаслигини ўзимга айтган эдим. Сабаби, бирор-бир таълим муассасасининг

вақтини илмий ишлар, тадқиқотлар ва унинг муҳокамасига бағишлаши керак. Мана шунда мўъжиза рўй беради. Дунёда математика, физика, квант физикаси ва кимё фанларидаги ривожланиш орқали технологиялар ҳам тараккий этиб бормоқда. Ушбу ривожланиш ва юқори билим кўрсаткичларини биз Япония, Германия ва АҚШ каби дунёнинг илм-фан ва технологиялар бўйича етакчи давлатлар қайд этганини кўришимиз мумкин. Фикримча, барча халқлар иқлим ўзгариши, энергетика, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш орқали ривожланиш имкониятига эга. Бу учун биз фақатгина таълимдаги муаммоларни ечиш ва таълим жараёнига кўпроқ технологияларни жорий этиш орқали эришимиз мумкин. “Янги Ўзбекистон” университети билан ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам шу.



Мен 10 йил Массачусетс технология институтига раҳбарлик қилганман. Фахрланиб айта оламаники, шу давр мобайнида ажойиб кўрсаткичларни қайд этдик. Эндигина фаолият бошлаганимда раҳбарлик даврим 10 йилга бориши керак эмаслигини ўзимга айтган эдим. Сабаби, бирор-бир таълим муассасасининг

— Университет биноси қурилиши лойиҳасида сиз ҳам иштирок этгансиз. Унинг ўзига хослиги нималарда акс этган?

— Университет биноси Ўзбекистонда ҳали кузатилмаган инновацион услубда қурилади ва ўзида улкан лабораторияни жо этади. Ўзбекистондаги энг яхши саноат корхоналари офисларини университет биносида ташкил этиш ва бу ерда яратилган янгилик ва инновацияларни тижорийлаштириш кўзда тутилган.

Айни пайтда аксарият мамлакатларнинг таълим тизимида дарснинг асосини маъруза ташкил этади. Бу ҳолат энди ўзгариши лозим. Талабаларнинг ўзи ишлашига йўл қўймоқчимиз. Оқддий маъруза хоналаридан кўра, кўпроқ лабораториялар, яъни талабалар ишлашига шароит яратиш керак. Талаба маъруза дарсларида ижтимоий тармоқлар орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Университетда ўз



“ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ” ИМКОНИЯТЛАРИ

Хуршида АБЗАЛОВА, ТДЮУ профессори в.б., юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Бу тизим машғулотлар сифати ва самарасини кескин ошириш баробарида талабалар билимини баҳолашда ҳам объективлик ва шаффоқлик таъминлашининг кафолати бўляпти.

Назорат турлари — синов ва имтиҳонларни олиш ва баҳолаш тартиби махсус электрон тизим орқали амалга оширилиши, бунда талаба исм-шарифи яширилган ҳолда текширишга берилиши, бу жараён электрон тизимда шаффоқ намоён бўлиб, ўқитувчи томонидан қўйилган баҳо ҳамда иш юзасидан шарҳ талабага дарҳол кўриниши ҳар қандай ноҳилисликнинг олдини олади.

Университетда ўқув ва бошқарув тизимини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув жараёни учун қатор электрон тизимлар жорий қилинган. Талабалар учун ҳар қандай масала юзасидан электрон муурожаат қилиш имконияти яратилиб, “ягона дарча” тамойили асосида фаолият юритувчи Талабаларга хизмат курсети маркази ташкил этилди. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳамда илмий раҳбарларни танлаш электрон тизими, тўлов шартномасини электрон равишда олиш ҳамда тўлов бўйича қарздорликни назорат қилиб бориш механизми ишга туширилди.

Университетнинг масофавий таълим платформаси (<http://distant.tsul.uz>) дунё бўйича эътироф этилган Moodle (объектга йўналтирилган динамик таълим муҳити) тизимида йўлга қўйилиб, янада такомиллаштирилди. Жумладан, маъруза машғулотларини ўтказиш учун видеочат (Big Blue Button) ва Zoom дастурий воситаси, назорат ишларини топшириш ҳамда уларни антиплагиат тизимдан ўтказиш механизми интеграция қилинди. Таълим платформасига 21 мингдан ортиқ электрон контент (видеомаъруза, аудио, электрон адабиётлар, маъруза матнлари, тест ва топшириқлар, кўшимча амалиёт материаллари) жойлаштирилди.

Бундан ташқари, университет электрон кутубхонаси ҳам ташкил этилиб, унда 10 мингдан зиёд манба жойлаштирилди, ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган WestLaw, LexisNexis ва JSTOR халқаро маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Университет томонидан янги авлод дарсликларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги ишлаб чиқилган талабалар, хорижий адабиётлар намуналари асосида ҳамда хорижий профессорларни жалб этган ҳолда, дарсликлар тайёрлаш ишлари, шунингдек, Оксфорд ва Кембриж каби хорижий наشريётлар билан шартномалар тузилиб, уларнинг энг машҳур ҳуқуқий адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ҳар йили 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр этиб боришмоқда.

Start-up экотизимини яратиш мақсадида ТДЮУда Legal Tech лабораторияси ташкил этилган. У ёшларнинг



стартап лойиҳаларини ахборот-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳозирги кунда лаборатория томонидан Hуқуқий shahar электрон платформаси ва мобил иловаси ишлаб чиқилди. Мобил илова Google Play Market платформасига жойлаштирилди ҳамда юклаб олиш имконияти яратилди. Платформа орқали университетда тайёрланган долзарб мавзулардаги 20 та илмий-оммабоп рисола жойлаштирилди. Бундан ташқари, платформада фуқароларга ҳуқуқий соҳага оид савол юбориш ҳам мумкин. Ҳозирги кунда фуқаролардан Hуқуқий shahar мобил иловаси орқали келиб тушган саволлар бўйича ҳуқуқий асосланган тушунтиришлар бериб боришмоқда.

Университет таълим платформаси орқали ўқув жараёни онлайн дарслар учун барча имкониятларни яратиб бермоқда ва таълим сифатини оширмоқда. Ушбу платформада маърузалар ҳамда амалий машғулот ва семинарлар учун форум очишда Big Blue Button имкониятларидан фойдаланилмоқда. Кредит-модуль тизимининг асосий критерийси талабаларнинг мустақил таълим олиши бўлиб, бунинг учун барча манбалар платформага жойлаштирилган.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида ўзлаштирилган билимларни платформа орқали автоматик баҳолаш имконияти мавжуд. Дарсда қатнашмаган ёки дарсни ўзлаштирмаган талаба профессор-ўқитувчилар маърузаларини қайта кўриш имкониятига эга. Форум воситасида онлайн мулоқот қилиш барча муаммоларни биргаликда ҳал этишга йўл очди.

“Электрон таълим” соҳасида Жанубий Корея, Буюк Британия, Дания ва Россия каби давлатлар таълим соҳасида ахборотлаштиришнинг асосий мақсади, биринчи навбатда, таълим сифатини оширишга, сўнг эса жараёнларни автоматлаштириш орқали олий таълим муассасаси ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятида кўп тақорланадиган вазифалар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилган. Таълим сифатини оширишда асосий эътибор таълим контентларини яратиш ва улардан очик фойдаланишни ташкил этишга аҳамият берилади.

Мухтасар айтганда, “электрон таълим”нинг юридик кадрларни тайёрлашдаги ўрни ҳуқуқий таълимни ихтисослаштириш ва ҳуқуқшунос кадрларни муайян йўналишлар бўйича тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.



“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official

БУГУННИНГ ГАПИ

УМР ЎТАВЕРАДИ. КИТОБ ЎҚИМАЙ ҲАМ ЯХШИ, ТЎҚ, КИТОБ ЎҚИГАНДАН КЎРА БАДАВЛАТ ЯШАШ МУМКИН, ДЕГУВЧИЛАР БОР. АФСУСКИ, УЛАРГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШ ҚИЙИН. САБАБИ – КЎРИБ ТУРИБМИЗ, УМРИДА БИРОРТА КИТОБНИ ОЧИБ ҲАМ КЎРМАГАН ҚАНЧА-ҚАНЧА ОДАМЛАР ДАНГИЛЛАМА УЙЛАРДА ЯШАМОҚДА, ХОРИЖИЙ МАШИНАЛАРДА ЮРМОҚДА, ДАМ-БАДАМ ДУНЁНИНГ МАШҲУР КУРОРТЛАРИГА БОРАДИ. АММО ИНСОН ҲАЁТИ ФАҚАТ ЕБ-ИЧИШУ АЙШУ ИШРАТДАН ИБОРАТМИ? АЛЛОҲ АТО ЭТГАН ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ – УМРИНИ САМАРАСИЗ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИМИ?



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, ёзувчи

Бошланғич 1-бетда

Масалан, менда шундай бўлади. Ўзим яхши кўрадиган, қайта-қайта ўқийдиган китобларим қарамонларини тирик инсон каби тасаввур қиламан, наинки, гап-сўзларини, ҳатто қадам товшуларини нафас олишларини ҳам эшитаман.

Баъзи мисоллар келтирайман. “Уткан кунлар” даги Юсуфбек ҳожиновнинг нуроний чеҳраси, оғир-вазиман гаплари, Ўзбекистоннинг фақат ўзини ўйлаб айтадиган ўринли-ўринсиз сўзлашлари ёки Отабекнинг сиртдан босиқ, аммо ички шиддатли, мулоқазатор гаплари (Аббос Бакиров, Марям Ёкубова, Улмас Алихўжаев ижросида эмас, йўқ, менинг шахсий тасаввуримдаги Юсуфбек ҳожи, Ўзбекистон, Отабек) кўз олдимда намоён бўлади, кулоқларим остида жаранглайди.

Улмас Умарбековнинг “Севгим, севгим” қиссасини ўқиб, Ойпопукни яхши кўриб қолгандим. Бу ҳақда ёзувчи хат ёзган эдим. Ҳамлетни қадрдон дўстим-дек қураман. Унинг изтиробларига ачинаман, орасини бўғиб ташлагим, амма кинини ўлдиргим келади. Горацио каби унинг ёнида туришни хоҳлайман. Анна Каренинани “севиб” қолганман. Ҳа, тўғри таъкидлаётганим, Анна ахлоқий жиҳатдан нотўғри қадам босади, аммо унинг ички дарди бор, виждони бор. Қўлаётган иши нотўғри эканини ҳам билади. Лекин ишқ деган сеҳрли неъмат олдида ўзини тия олмайди. Айни чоғда виждон азобиға бардош беролмай, ўзини поезд тагига ташлайди. Ишқ қилларни асир этмаган. Лоқал Шайх Санъонни эсланг.

Энди ўйлаб кўринг, нега айрим китобларни ўқисак йўғлаймиз, баъзи китобларни ўқиб, кулаемиз. Атрофимизда ҳеч ким йўқ, ёлғиз ўқиймиз — беихтиёр кулиб юборамиз. Ўқиб кўзимиздан шашқатор ёш оқаверади. Нега шундай? Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикояси қарамони ярим кечаси хотинидан носим қаерда, деб сўрайди. Хотини нима қиласиз, дейди. Маниб бозорга бориб келаман... Нима қилардим носим, чекаман-да, дейди эр. Хўш, шу сатрларни ўқиганда кулмайсизми? Мен кечаси бир ўзим хонада ётиб ўқийётган эдим, беихтиёр хоҳолоб қулиб юборганман ва ўзининг овозимдан ўзим хайратта тушганман...

Буллар қанчалар завқ, қанчалар роҳат бағишлайди инсонга. Ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Китоб ўқиманг одам шундай бебаҳо неъматлардан бебаҳра қолади.

Умр ўтаверади. Китоб ўқимай ҳам яхши, тўқ, китоб ўқигандан кўра, бадавлат яшаши мумкин, дегувчилар бор. АФСУСКИ, УЛАРГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШ ҚИЙИН. САБАБИ — КЎРИБ ТУРИБМИЗ, УМРИДА БИРОРТА КИТОБНИ ОЧИБ ҲАМ КЎРМАГАН ҚАНЧА-ҚАНЧА ОДАМЛАР ДАНГИЛЛАМА УЙЛАРДА ЯШАМОҚДА, ХОРИЖИЙ МАШИНАЛАРДА ЮРМОҚДА, ДАМ-БАДАМ ДУНЁНИНГ МАШҲУР КУРОРТЛАРИГА БОРАДИ. АММО ИНСОН ҲАЁТИ ФАҚАТ ЕБ-ИЧИШУ АЙШУ ИШРАТДАН ИБОРАТМИ? АЛЛОҲ АТО ЭТГАН ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ — УМРИНИ САМАРАСИЗ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИМИ? АХИР ОДАМ БОЛАСИ БУ ДУНЁДА УЗДАН НИМАДИР ҚОЛДИРИШИ КЕРАК ЭМАСМИ? БИЛАМАН, БУ ГАПЛАР БУГУНГИ КУНДА, АФСУСКИ, КЎПЧИЛИКНИНГ ЭНАСИНИ КИТОРДИ. ЛЕКИН ОДАМИГА АЛАМ ҚИЛАДИ — НЕГА БУНАҚА БУЛИБ ҚОЛДИК, НИМА УЧУН МОЛУ ДУНЁГА МУККАМИЗДАН КЕТАЙМИЗ? НЕГА ИЛМИМИЗИ ОШИРИШГА, ДУНЁҚАРАШИМИЗИ КЕНГАЙТИРИШГА, БУ ДУНЁДА МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ, ИНСОФ, ДИБНАТ, АЛАПОКИБАТ ВИЖДОН ДЕГАН НАРСАЛАР — ТУЙУЛГАН ҲАМ БОРЛИГИГА АҲАМИЯТ БЕРМАЙМИЗ, ЭЪТИБОРИМИЗ, ҲАТТО БЕБАСАН ҚАРАЙМИЗ? АҲДОДЛАРИМИЗ, ОТА-БОБОЛАРИМИЗ БУНАҚА БУНАҚА УЙ-ҲОРАТДА ЯШАШГА, ЗАМОНАВИЙ УЙ-ҲОРАТДА ҚУРИБ, ЭНГ СУНГИ РУСУМДАГИ АВТОМОБИЛЛАРДА ЮРИШГА ҲЕЧ КИМ ҚАРИШИ ЭМАС, ЖУМЛАДАН, МЕН ҲАМ. АКСИНЧА,



Хайрли иш тизимли бўлсин

Китоб тарғиботи, одамлар, хусусан, ёшлар китоб ўқиши учун турли воситалардан фойдаланилмоқда, ҳар хил чоралар қўйилмоқда. Президентимиз раҳбарлар ўзи ўқиган мактабга китоблар совға қилсин, деган тақдирини айтди. Шундан кейин китоб тарқатиш кампанияси бошланди кетди. Вазирилик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар мактабларга китоблар олиб борди. Бу ишлар телевизорда кўрсатилди, вақтли матбуотда, ижтимоий тармоқларда ёритилди. Қанақа китоблар олиб борилди, уларнинг савияси қанақа, китоблар мактаб ўқувчиларига мосми-йўқми, деган масалаларга эътибор берилмади. Ҳолбуки, ҳар бир китобнинг ўз ўқувчиси бўлади. Айтилик, “Декамерон” каби китобларни мактаб ўқувчиларига таъсия этиши мумкин эмас. Илгари китобларга қайси ёшдаги ўқувчиларга мўлжаллангани ёзиб қўйилар ва бу бежиз эмас эди.

Шу кампанияни кузатиб, бир фикр келган эди ҳаёлимиз. Мактабларга китоблар совға қилаётган айрим раҳбарлар бу ишни худди топириқни бажараётгандай, мажбурий юзасидан қилаётгандай таассурот қолдирган. Ваҳоланки, ўзи таълим олган мактабга, умуман, ўқув муассасасига китоб олиб бериш виждон иши, шарафли вазифа бўлмоғи керак. Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси замирида эзу, жуда олижанон мақсад мўжассам: вазир, ҳоким ёки бошқа раҳбар ўзи ўқиган мактабга китоб олиб борса, ўша мактаб ўқувчиларига мотивация бўлади. Яхши ўқисам мен ҳам вазир, ҳоким, прокурор, хуллас, эл танийдиган одам бўламан, деган ҳавас, оруз пайдо бўлади уларда.

АФСУСЛАНАРИСКИ, БУ ИШЛАР БИР МУДДАТ ДАВОМ ЭТДИ, СУНГ ТЎХТАДИ. МАНА ШУНДЭГИ КИТОБ ТАРҚАТИШ ИШЛАРИ МУАЙЯН КАМПАНИЯ БЎЛГАННИ Кўрсатиб турибди. Ҳозир бирор раҳбар ўзи ўқиган мактабга китоб олиб беришга интилади, ижтимоий тармоқларда, радио ва телевидениеда, ижтимоий тармоқларда бирор-бир янги асар ҳақида фикр айтилса, китобларнинг янги китоб чиққанидан хабардор бўлади. Шу билан бирга, ўқувчилар, айниқса, ёшлар китоб танлашида танқидчи ва адабиётшуносларнинг фикри ёрдам беради. Бинобарин, оқ-қорани ажрата олиш даражасига етмаган ёшлар қўлига тушган китобни ўқийвериши мумкин. Худо кўрсатмасин, уларнинг қўлига енгил-епли, миллий менталитетимизга ёт китоблар тушиб қолса нима бўлади? Афсуски, бунақа китоблар ҳозир бисёр.

булар эди. Зеро, ҳар бир ишнинг натижаси мухим.

Ёш китобхонлар танловларида ғалиб бўлиб, мукофотлар, ҳатто машина олганларнинг кейинги тақдирини қандай кечмоқда? Ҳозир ҳам китоб ўқийотибми? Танловда ғалиб бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топтиди? Жамиятга, эл уртга қандай хизмат қилаётми? Ўзи энг катта оранди автомобиль олишдан иборат бўлиб, ишланганда, ўқиб-ўрганганидан тўхтади? Шулар ҳақида, яъни ёш китобхонлар танлови ғалибларнинг кейинги фаолияти, улар яна қандай ютуқларга эришяётгани тўғрисида матбуот, ижтимоий тармоқлар орқали маълумотлар бериб бориш, яхши бўларди. Бу ёшлар учун ўзига хос мотивация беради. Акс ҳолда, одамларда турли ўринли-ўринсиз фикрлар, қараётган қалқиб чиқади.

Китобхонлик ниятинидир илжинида бўлмаслиги керак! Агар асосий мақсад танловда ғалиб чиқиш ва қимматбаҳо совға олиш бўлса, у ҳақиқий китобхон бўлмайди. Китоб ўқиш кўнгил эҳтиёжига айланиши керак. Яшаш учун овқат ейиш қанчалар зарур бўлса, китобхонлик, мутлаа ҳам шу даражада зарурятга айланиши лозим.

Мактабда ўқувчиларимиз китобни ёдлаб олганлар, дерди. Баъзи ўқувчилар берилган вазифани ёддан айтиб берарди. Ўқитувчимиз бундан қайтарарди. Ўқитган нарсанинг маъносини тушуш, мазмунини чақ, дерди. Ўқиган китобнинг маъно-мазмунини ўзи тушушгандега аййти берадиган ўқувчиларга юқори баҳо қўярди.

Дарҳақиқат, маъносини тушушмай ёдлаб олган одамда китобга қизиқиш уйғонмайди, аксинча, китобдан безадди. Агар муайян асарнинг ичига кирса, ўзи билмаган ҳолда воқеалар иштирокчисига айланади. Шунда асар қаҳрамонлари билан гаплашади, қайсидир қаҳрамон ёки персонаж билан дўст тутинади, кимдандир газабланади, кимдандир севиб қолади.

ўятаётганда Шота Руставелидан ўқиб бериши, келиннинг сепида “Йулбарс терисини ёпинган пахлавон” китоби бўлиши шартлигини биламиз, ҳавас ва ҳайрат билан гапираемиз, лекин ўзимиз амал қилмаймиз. Никоҳдан ўтаётган ёшлар Навоийданми, Бобур, Машрабданми, замондош шоирларимизданми бир ғазал ёки шеър ўқиб берса, қандай гўзал иш бўлади. Келинларимиз сепида фалон мамлакат мебелии пистон юртининг қимматбаҳо кийим-кечақлари қаторига Алишер Навоийнинг биронта китобини қўшиб қўйиш қийинми? Ахир ёр васфини, ишқини Навоийдан ошириб таърифлаган шоир борми? Кўёв келинга:

Жондин сени кўп севармен, зй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен, зй умри азиз.

Ҳар некики севмак ондин, ортқк бўлмас,

Ондин сени кўп севармен, зй умри азиз,

деса нақадар мароқли, ёқимли бўлади. Бунга ўхшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

КИТОБХОНЛИК НИМАНИНГДИР ИЛИНЖИДА БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК! АГАР АСОСИЙ МАҚСАД ТАНЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚИШ ВА ҚИММатБАҲО СовҒА ОЛИШ БЎЛСА, У ҲАҚИҚИЙ КИТОБХОН БЎЛМАЙДИ. КИТОБ ЎҚИШ КЎНГИЛ ЭҲТИЁЖИГА АЙЛаниШИ КЕРАК. ЯШАШ Учун ОВҚАТ ЕЙИШ ҚАнЧАЛАР ЗАРУр БЎЛСА, КИТОБХОНЛИК, МУТЛАА ҲАМ ШУ ДАРАЖАДАГИ ЗАРУриЯТГА АЙЛаниШИ ЛОЗИМ.

Китоб безак эмас

Ёши улур ўқувчилар яхши билади, собиқ шўро замониде обуня бўлиб олинадиган китоблар бўларди. Москвада нашр этиладиган бу китоблар рус ва жаҳон классик ёзувчиларининг кўп жидгликлари эди. Мазкур китобларга обунини райкомпартия берар, шу боис, пиеддлар у ёқда турсин, унча-мунча отлик ҳам олполмас эди. Тан олиш керак, китоблар ниҳоятда чиройли безатилган, сифатли қоғозларга босиларди. АФСУСЛАРИСКИ, жойи шунда эдики, бу китобларга обуня бўлганларнинг кўпчилиги китоб ўқимас, китобларни уйининг кўринарли жойига териб қўярдди, гўё китоб уйнинг беази. Шундай ҳонадонлардан бир-иккитасини кўрганман. Китобининг ҳақиқий мухлислари учун бу кўпжидгликлар оруз эди. Шўрлик китоблар чиройли жапонларда йиллаб очилмай турар эди. Бу ҳолат менга “олтин қафасдаги бўлбўл” каби туюларди. Кўрапсизми, кимдир китобга зор, киминдир кўлида китоб бор. Илгма, гўзалликка ташна қанча-қанча одамлар, айниқса, ёшлар шу китоблардан лоқал биттасини олиб ўқигиси келади, аммо илжои йўқ. Бу ёқда қанча китоблар ўқувчисига мунтазаир.

Демак, китобни ҳақиқий эгасига етказиш жуда муҳим. Зеро, китобга жонш мавжудот сифатида қарамоқ керак. Ахир уларнинг саҳифалари қатида юзлаб инсонлар ўз дардини тўқиб, ўзининг чинакам дўстини кутиб ёхуд севгилисиги васлига интизор бўлиб ётибди. Уларни қинамаслик позицияси, уларга шайқат қилиш зарур. Босқача айтганда, китоб ўқилиши керак. Акс ҳолда, китобнинг олдиди қоғоздан фарқи қолайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда китобга эътибор кучайди. Китоб нашр этиши, китобат санъатимиз халқро таллаблар даражасига чиқди, десак хато бўлмайди. Асосийси, китобхонлиқни,

Китоб қудрати

Китоб катта қудратга эга. У инсон тафаккурини кенгайтиради, оқ-қорани танишига, мустақил фикр юритишига, ҳар бир воқеа-ҳодисани таҳлил қилишига ўргатади. Шулар қаторида муаллиф мансуб миллатнинг урф-одатлари, тарихи, ўша туртабояти, бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Стендаль, Мопассан, Бальзак асарлари француз халқининг, Пушкин, Лев Толстой, Достоевский, Герцен китоблари рус халқи турмушининг иньикиси эмасми? Шолохов асарлари бўлганда Дон казаклари шу қадар машҳур бўлармиди! Абдулла Қодирий, Гафур Ғулوم, Ойбек, Асқад Мухтор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарлари халқимиз тарихи, чекак азоб-уқубатлари, оруз-умидларининг бадийий ифодаси эмасми?!

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Бир дўстим Доғистонга борган экан. “Маҳачқалъада автобусда кетаётсам, бир рус киши асабий ҳолда сўзини кетаяпти. Ора-сира Расул Ҳамзатовни ҳам қўшиб қўяди. Ҳайрон бўлиб ёнига бордим-да, нега бунча асабийлашяпсиз, ҳатто Расул Ҳамзатовни ҳам ҳақорат қилишасиз, дедим. Ҳа, айнан шу Ҳамзатовни сўқяпман, деди у. Нега, нима бўлди, деб сўрадим қизибди. Мен шу Расул Ҳамзатов асарларини, айниқса, “Менинг Доғистоним” китобини ўқиганимдан сўнг шу юртни кўриш истаги пайдо бўлди. Жуда ҳавасини келди. Қандай гўзал жойлар экан, албатта, бораман Доғистонга, деб пун йигдим, меҳнат таътили олдим. Келдим, Маҳачқалъани ҳам, бошқа жойларни ҳам кўрдим, эринмай айландим. Аммо бирор мўъжиза кўрардим. Шу ўзимиздаги ўхшаган кўчалар, уйлар, тошлар... Фавкулдада янги, гўзал нарсани учратмадим. Вақтимга, пулимага ичим ачинапти, деди”. Дўстимнинг ҳикояси мени узок ўйлантди. Расул Ҳамзатовга ҳавасим келди. Ўз юртини, ватанини бу қадар кўкларга кўтарган, дунёнинг ҳавасини келтира олган ёзувчилар қанча! Расул Ҳамзатов уларнинг энг олдинги сафиди бўлса, ажаб эмас.

Бошқаларга ҳавас қиламиз, уларнинг ибратли ишларидан хайратланамиз. Аммо улардан ўрнак олиб ўзимиз шу ишларни қилишга ҳафсақалимиз келмайди. Грузинлар келин-куёв никоҳдан

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жоабгор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январьда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нусхадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоеси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоров
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй